

SOCIAL-PSYCHOLOGICAL FACTORS OF MAINTAINING FAMILY-MARRIAGE RELATIONS

Eshmurodov O.E.

Doctor of Philosophy (PhD) in Psychology

Termiz State Pedagogical Institute

Senior teacher of the "Psychology" department

ABSTRACT

The article talks about the socio-psychological factors of stabilization of family-marriage relations.

Key words: family, healthy social and psychological environment, education, outlook.

ОИЛА-НИКОҲ МУНОСАБАТЛАРИНИ БАРҚАРОРЛАШТИРИШНИНГ ИЖТИМОЙ-ПСИХОЛОГИК ОМИЛЛАРИ

Эшмуродов О.Э.

Психология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)

Термиз давлат педагогика институти

“Психология” кафедраси катта ўқитувчиси

АННОТАЦИЯ

Мақолада оила-никоҳ муносабатларини барқарорлаштиришнинг ижтимоий-психологик омиллари тўғрисида гап борган.

Калит сўзлар: оиала, соғлом ижтимоий психологик муҳит, тарбия, дунёқараш.

Калит сўзлар: Жаҳон таълим ва илмий тадқиқот муассасаларида оила институтини мустақкамлашда эр-хотиннинг оиладаги маъқеи, аёлларнинг оиладаги ўрни, эр-хотиннинг ўзаро бир-бирини тушуниши, ҳиссий яқинлиги ва шахслараро муносабатларининг оилавий муносабатлар мустақкамлигига таъсир даражасини ўрганиш бўйича илмий тадқиқотларни амалга ошириш, оилалар мустақкамлигини таъминлашнинг ижтимоий-психологик омилларидан оилавий муносабатлар психологияси, оила қадриятлари, оила қуриш мотивининг этнопсихологик хусусиятларини тадқиқ этиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу борада оиланинг барбод бўлиши ҳолатларининг қайд этилиш даражаси ортиб бораётган шароитда оила институтини мустақкамлаш ишига алоҳида илмий, амалий, инновацион ҳамда янгича ёндашув орқали ечимларини топиш масалалари даврнинг долзарб муаммоларидан бўлиб қолмоқда.

Республикамизда сўнгги йилларда оила институтини мустақкамлаш, оилаларда соғлом муҳитни яратиш, оила фаровонлигига эришиш, оила қурадиган ёшларни оила қадриятларига муносабатларини адекват шакллантириш орқали оила муносабатларини барқарорлаштиришга бўлган эътибор давлат сиёсати даражасига кўтарилиб, зарур меъёрий асослари яратилди. «...Биз учун муқаддас бўлган оила асосларини янада

мустаҳкамлаш,... жамият ва оилада соғлом ва барқарор ижтимоий-маънавий муҳит ҳамда тинчлик, тотувлик ва осойишталикни таъминлаш... оила институтини мустаҳкамлаш бўйича, энг аввало, «Соғлом оила - соғлом жамият» ғоясини ҳаётга татбиқ этишга йўналтирилган ягона давлат сиёсатини олиб бориш» концептуал ғояси негизида **оила мустаҳкамлигини таъминлашга қаратилган муҳим вазифалар белгиланганлиги, уларни амалга оширишда мазкур мавзуга йўналтирилган тадқиқотларни амалга оширишга етарли асос бўла олади.**

Шахснинг психологик етуклиги ҳақида гап боргудек бўлса, бунда даставвал унинг турли ҳаётий вазиятлар ва шароитларни ҳушёр баҳолай олиши назарда тутилади. Бу ҳушёрлик амалийлик, воқеликни тўғри баҳолай олиш, шахсда ўзининг ютуқ ва камчиликларини, билим, малака ва қобилиятларини етарлича объектив баҳолай олишда ҳам намоён бўлиши керак.

Психологик етук шахс ўз олдига эришиши муқаррар бўлган, бунга имкониятлари етарли бўлган мақсадларни қўяди, ўз ҳаёт йўлини ва унга эришиш воситалари ва усулларини тўғри белгилайди. Бундай шахс ўз ҳиссиёти, кечинмаларини етарлича яхши назорат қила билиши, яъни ички интизомининг юқори ривожланганлиги билан характерланиб туради. Психологик етуклик бошқа одамларнинг хоҳиш, истаклари, кечинмаларини тушуниш билан маълум даражада боғлиқ.

Психологик етуклик шахснинг бошқа одамларга нисбатан бўлган ижобий муносабатлари: ҳамдардлик, ҳамфикрлик, ғам-ташвишга шерик бўла олиш, ўзаро ёрдам кабилар тарзида намоён бўла оладиган маънавий сифатларнинг таркибий жиҳатларини ўзида бириктиради. Психологик етукликнинг муҳим мезонларидан бири шахсда оилавий муаммоларни адолатли хал этишга хизмат қилувчи ўз мустақил фикри, қараши, позициясининг бўлиши, зарур бўлганда оила манфаатида ўз қарашларини ота-оналари олдида ҳимоя қила олишидир.

Ёшларни қадриятлар асосида оилавий ҳаётга тайёрлаш ҳозирги глобаллашув даврининг муҳим ва масъулиятли вазифалардан бири ҳисобланади. Ёшлик даври 18-25 ёшни ўз ичига олади. Мазкур давр - фуқаролик ва психологик етукликка эришиш жараёни ҳамдир. Чунки бу даврда етук шахсга доир ижтимоий ҳуқуқ ва бурчнинг бутун тизими эгаллаб борилади. Бу даврда ўз-ўзини англашнинг ривожланиши асосида ёшларнинг танлаган касблари ва уни эгаллашга оид шахсий ҳаёт тарзи ҳамда оила ҳақидаги қарашлари шакллана боради.

Аммо, ўспиринлик ёши даври ёшларни оилавий ҳаётга тайёрлаш бобида энг асосий даврлардан бири бўлсада, бизнинг назаримизда бугунги кунда ёшларни оилавий ҳаётга тайёрлаш ўсмир ва ўспиринлик даври тугаши, яъни умумий ўрта таълим ва ўрта махсус касб-ҳунар таълими жараёни якунида тўхтаб қолаётгандек туюлади. Ваҳоланки, ёшларнинг кўпчилиги айнан ёшлик йилларида ёки унинг якунида оила қурганлиги туфайли ҳам оила-никоҳ муносабатларида, оила аъзолари билан мулоқотда юқори даражадаги маънавий-ахлоқий ва ижтимоий-психологик тайёргарлик, турмуш маданиятига эга бўлишни талаб қилмоқда.

Йигит-қизларнинг оилавий ҳаётга жисмоний, маънавий, руҳий, жинсий жиҳатдан тайёр бўлмаганликлари оилавий ҳаётда қуйидаги салбий оқибатларга сабаб бўлмоқда:

А) ажралишлар кўпайишига олиб келмоқда;

Б) аёлларнинг фарзанд кўришида оралиқ вақтнинг қисқариши юз бермоқда;

В) 17-20 ёшгача бўлган аёллар саломатлиги ёмонлашмоқда;

Г) оила қуриш имкониятларининг пасайишига олиб келмоқда;

Д) эрта оила қуриш ёки кеч оила қуриш ҳолатлари оилавий ҳаётнинг барқарорлигига таъсир этмоқда ва ҳоказолар.

Бунинг учун эса ёшларни (оилавий ҳаётга тайёрлаш улар ҳаётининг дастлабки йилларидан бошланиши зарур) оилавий ҳаётга тайёрлашда, аввало оилавий ҳаёт ҳақидаги тасаввурларини шакллантириш зарур деб ўйлаймиз.

Тадқиқотлардан маълум бўладики, йигит-қизларда оилавий ҳаёт ҳақидаги тасаввурлар бу соҳадаги ахборотлар етишмаслиги туфайли тўла шаклланмаяпти. Буни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Республика «Оила» илмий-амалий тадқиқот Маркази томонидан ёшларнинг, айниқса йигитларнинг оилавий ҳаёт ҳақидаги тушунча ва тасаввурларини ўрганиш бўйича дастлабки натижалар ҳам кўрсатиб турибди. Кузатишларимиздан маълум бўлшича, ижтимоий етуклик ёшларларни ҳам ақлий қобилиятга, ҳам ижтимоий ҳаётда бажариладиган турли фаолиятга: оила қуриш, фарзанд тарбияси, ижтимоий фойдали меҳнатда қатнашишга тайёрлайди. Бунда ёшларлар ижтимоий ҳаётга оид маълумотга эга бўлишлари, меҳнат қилиш малакасини эгаллашлари, етук мутахассис сифатида шаклланишлари, ота-оналик бурчини ҳис этишлари, маълум ижтимоий гуруҳга раҳбарлик қила олишларига тайёр бўлиб борадилар. Бундай ёшлар оила қурганда оила аъзолари билан муомала-муносабатда уларга инъом этган бахтли оилавий ҳаётдан, жамият ҳаётида ижодий, фаол иштирок этаётганлигидан қониқиш ҳосил қилади.

Шунинг учун ҳам бундай шароитда олий ўқув юртларида ҳам ёшларнинг ижтимоий ҳаракатига кўпроқ эътибор бериш керак. Чунки, бугунги ёшлар эртага оила раҳбари ёки унинг аъзосидир. Бу соҳадаги муаммоларни ҳал этишда қуйидагиларга асосий эътиборни қаратиш лозим:

Ҳар икала йигит-қиз оилаларининг мувофиқлигига эришиш: моддий; маънавий; жинсий ва жисмоний соғломлиги; ёшидаги фарқи. Ёшларда маънавий-ахлоқий сифатларнинг шаклланганлиги ва муомала одобига риоя этиш кўникмаларини таркиб топтириш.

Психолог олимларнинг ўтказган тадқиқотларига кўра оила қургунга қадар бир-бирларини бир ой ва ундан кам вақт билган эр-хотинлар сони ажрашиб кетган эр-хотинлар орасида кўпчиликни ташкил қилишини кўрсатди. Шунингдек, бир-бирларини оила қургунга қадар 5-10 йил ва ундан кўп вақт билишлари ҳам бўлажак эр-хотинларга бир-бирларига нисбатан ҳис-туйғулари ўтмаслашиб қолишига олиб келиши ҳам мумкин экан.

Психологик адабиётларда ёшларнинг бўлажак эр-хотин сифатида бир-бирларини ярим йилдан бир йилгача билишлари энг мақбул муддат деб кўрсатилади.

Оила-никоҳ муносабатларини барқарорлаштиришнинг ижтимоий-психологик омиллари ва мезонларини ўрганиш натижалари таҳлили натижасида қуйидаги хулосаларга келинди:

- оила барқарорлигининг ўзи тизимли ҳаёт тарзи билан боғлиқ жараёндир;
- оила барқарорлигини таъминлашда, бошқа омиллар қатори, фарзандлар сони ҳам муҳим ўрин тутди;

- нуклеар оилаларга нисбатан катта оилаларда барқарорлик замини мустаҳкам бўлади;

анъанавий турмуш тарзи устувор бўлган оилаларда, одатда, барқарорлик ҳукм суради. Никоҳ мотивлари классификациясидан яна бири стереотип бўйича оила қуриш ҳисобланади. Бу тоифадаги ёшларда оила қуриш мотивларининг бошқа бирортаси кузатилмаслиги мумкин экан. Улар кўпинча оила қурар эканлар, стереотипларни ҳисобга оладилар. Бундай ёшлардан нима учун оила қурганликлари ҳақида сўралса, кўпинча, «Барча тенгдошларим уйланаётган эди, мен ҳам уйландим!» ёки «Ҳамма дугоналарим турмушга чиқишаётган эди, мен ҳам турмушга чиқдим» қабилидаги жавобларни беришадилар. Санаб ўтилган учала мотив: севги, моддий ёки ўзга манфаатдорлик туфайли, стереотип бўйича қурилган оилаларнинг қай бири мустаҳкамроқ бўлиши мумкин, бошқача айтганда, қайси мотив никоҳ оила мустаҳкамлигини кучлироқ таъминлаши имконияти юқорироқ? Бунга севишиб турмуш қурган жуфтларнинг аксарияти энг бахтли оилавий ҳаёт кечирадилар деб кўрсатишимиз мумкин. Қолаверса, ёшларни оилавий ҳаётга тайёрлашда никоҳ олди омиллари билан бир қаторда, никоҳ мустаҳкамлигига таъсир этувчи муҳим омил - оиланинг юзага келишига асос бўлган никоҳ қуриш мотивларининг ўзига хос таъсир хусусиятлари муҳим саналади.

Оила мустаҳкамлигини таъминлашнинг ижтимоий-психологик омилларини ўрганиш натижалари қуйидаги хулосаларни чиқаришга имкон беради:

1. Оиладаги маънавий-руҳий муҳитни характерловчи хусусиятни «оила - никоҳ муносабатларининг сифати» тушунчаси ёрдамида изоҳлаш мумкин. Шунинг учун биз ўз тадқиқотимизда «стабиллик» ва «барқарорлик» тушунчаларини синонимлар сифатида ишлатиб, уларни умумий ҳолда «оила мустаҳкамлиги» тушунчасининг хусусий кўринишлари бўлган стабил никоҳлар ва шахслараро муносабатлар сифатида изоҳланади.
2. Оила мустаҳкамлигига таъсир этувчи ижтимоий-психологик омиллар: никоҳ қуриш мотивлари, оиланинг психологик муҳити, эр-хотинлик диадасидаги ижтимоий гетерогенлик, никоҳ олди танишув муддати, ёшларда бўлажак оила ҳақидаги тасаввурларнинг етарли эмаслиги ва ноадекватлиги, оилавий ўзаро муносабатлар характери, оилада эркак ва аёлнинг ижтимоий-психологик мақоми, дунёқараш ва эътиқоднинг номувофиқлиги, жинсий номутаносиблик, йигит ва қизларнинг оила қуришга руҳий жиҳатдан тайёрлиги кабилар билан боғлиқлиги намоён бўлади.
3. Оилаларнинг уюшганлик ва оилавий муносабатларнинг эгилувчанлик даражаси оила мустаҳкамлигини таъминлашга таъсир этувчи асосий ижтимоий-психологик омиллар сифатида ифодаланади, оилаларда оила бошлиғи сифатида эркакнинг мавқие, нуфузи, таъсирчанлик даражаси, оилавий муносабатлардаги «ҳиссий яқинлик», ёшларнинг келажақдаги оиласини демократик, уюшган тарздаги тасаввурлари оила мустаҳкамлигини таъминлашда муҳим ҳисобланади.

АДАБИЁТЛАР

1. О. Э. Эшмурадов “Оилавий муҳит ва оилавий муносабатлар психологиянинг ўрганиш предмети сифатида” “ЎзМУ хабарлари” Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон миллий университети илмий журнали 2019 йил 1/6/1-сони. 162-164 бетлар
2. О. Э. Эшмурадов “Ўзбек никоҳ-оила муносабатларининг тарихий ва ижтимоий психологик талқини” Тошкент давлат педагогика университети илмий ахборотлари илмий-назарий журнал 2020 йил 8-сон 147-152 бетлар
3. О. Э. Эшмурадов “Оила мустақамлигини таъминлашнинг ижтимоий-психологик омиллари” “ЎзМУ хабарлари” Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон миллий университети илмий журнали 2021 йил 1/5/1-сони. 220-223 бетлар.
4. О. Э. Эшмурадов “Қайнона ва келин муносабатларини барқарорлаштиришнинг замонавий психологик омиллари” “Халқ таълими” журнали. 2021 йил 4-сони. 100-102 бетлар.
5. Vladimirovich, G. Y. (2022). PRECEDENT-RELATED NOMINALS: CLASSES AND ORIGINS. Web of Scientist: International Scientific Research Journal, 3(12), 212-217.
6. Akhmedov, B. A., Askarova, M. R., Xudayqulova, F. B., Tojiboeva, G. R., Artikova, N. S., Urinova, N. S., ... & Omonova, S. M. (2022). PEDAGOGICAL SCIENCE EDUCATION MANEGMENT IN TEACHING SCIENCE OF PEDAGOGICAL SCIENCES. Uzbek Scholar Journal, 10, 529-537.